

САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ

БАРҚАРОРЛИК ҚАФОЛАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11521743>

Хайдаров Низамиддин Хамраевич,
и.ф.д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби профессори.

Ҳозирги кунда дунё иқтисодиёти шундай бир фазага қараб бормоқдаки, унда ҳар бир давлат ўз улуси билан у ёки бу қўрсаткичлари билан иштирок қилмоқда. Бу ҳолатни бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий жараёнларда кузатиш мумкин. Биргина иқтисодий жараённи оладиган бўлсак, ҳар бир давлатнинг миллий иқтисодиётида инвестицияларни ўрни бекиёс бўлади. Чунки, инвестициянинг этимология маъноси шундан иборатки, инвестицияларни сарфлашдан бош мақсад, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара олишга қаратилган. Шунингдек, инвестицияни жалб этувчи субъектда ҳам худди айни мақсад намоён бўлади. Шунинг учун инвестицияларнинг ўрни миллий иқтисодиётда жуда катта аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатлари ичида бирорта ҳам давлат йўқдирки, ўз миллий иқтисодиётига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этмаётган бўлса. Юқори индустрисал ривожланишига эга бўлган давлатларда интеллектуал инвестицияларга эътибор қаратилаётган бир шароитда, ривожланган амлакатларда портфель инвестицияларни жалб этишга мойиллик юқори бўлмоқда. Ривожланиш босқичига кираётган мамлакатларда эса тўғридан-тўғри ва молиявий инвестицияларни киритишга эътибор юқори бўлади. Шундай давлатлар ҳам мавжудки, бир вақтнинг ўзида юқорида қайд этилган инвестицияларнинг барча туридан талаб ва эҳтиёжига мос равишда жалб этиш амалиёти намоён бўлади.

Инвестицияларнинг мана шундай ўзига хос ижтимоий-иктисодий хусусиятларига таяниб, қичқа вақтлар ичида мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга

қаратилган 12 дан ортиқ Қонунлари, 30 га яқин Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари ҳамда 35 га яқин Хукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Ушбу йўналишда қабул қилинган иккита қонунни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. **«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»** ги ва **«Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»** ги қонунлар муқаддам қабул қилинган бир қатор норматив-хукуқий хужжатларни бирлаштириди ва инвесторлар учун шароитларни сезиларли даражада яхшилади.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётини давр талабига мос равища ривожлантиришда инвестициялар ўрни бекиёс бўлаётганлигини стратегик дастурлардан ҳам билиш мумкин. Улар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан ҳам муносиб ўрин олган. Хусусан стратегиянинг: 26- мақсадида: Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, белгиланган¹.

Инвестицияларнинг иқтисодий аҳамияти эътиборга олиниб, улкан марралар кўзда тутилганини юқорида қайд этилган иқтибосдан ҳам билса бўлади. Чунки, 2023 йил якуни бўйича мамлакатнинг йиллик ЯИМ 1 066 569,0 млрд. (1,07 квадраллиона) ёки 90.8 млрд. АҚШ доллари га етган бир пайтда, келгуси уч йилнинг ҳар бир йилда камида 24.0 млрд. АҚШ долларида инвестицияларни жалб этиш мисли кўрилмаган вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, жалб этиладиган инвестициянинг қарийб 60 фоизи хорижий инвестициялар бўлиши ҳам ўта аҳамиятлиdir.

Шунингдек, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки каби бир қатор халқаро молия институтларининг аъзоси, шунингдек, кўплаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2022 йил 28 январь

хорижий ҳукуматлари молиявий ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Осиё инфраструктура инвестиция банки билан ҳамкорлик кенгаймоқда. Инвестицияларга қулай макон ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар 2017 йилга қадар мамлакатда атиги 3 та мавжуд бўлса, 2023 йилга келиб уларнинг умумий сони 24 тага етди.

Умуман олганда, 2017-2023 йилларда Ўзбекистонда инвестициялар иилига ўртача 14,5%дан ўсиб, жами 1 460,4 трлн. сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилган. 2017-2023 йилларда ЯИМнинг ўртача ўсиши 5,3%ни ташкил этиб, мазкур ўсишнинг 3,9 фоизи инвестициялар ҳисобига тўғри келган. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 22,7%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу энг юқори даража – 36,8%га етган. Сўнгги йилларда инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбатан барқарорлашиб, 2023 йилда 33,0%га етган².


Хозирги кунда қулай инвестиция муҳитини аниқловчи қатор элементлар мавжуд бўлиб, шулардан асосийлари бўлиб: меъёрий-ҳукуқий, экологик шартшароитлар, молиялаштиришнинг бозор механизмлари, ахборот таъминоти; маҳаллий инвесторлар билан хорижий хусусий инвесторлар ўртасидаги паритетнинг таъминланганлиги, инфляция даражаси, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, истеъмол ва жамғарма нисбати, фоиз ставкалари даражаси, хорижий инвестицияларнинг ўзлаштириш даражаси, малакали кадрлар ва меҳнат ресурслари захираси, бозор тамойиллари асосида банк-молия хизматлари, солиқ, монетар ва фискал сиёsatни ўз ичига қамраб олади.

Бугунги кунда инвестицияларни молиялаштиришнинг бир нечта манбалари бўлиб, улар бозор иқтисодиёти тамойиллари ва қонуниятларига изчил жавоб бермоқда. 2023 молия йили мобайнида мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция фаолиятда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажм динамикаси ҳақида маълумотларга эга бўлиш учун қуйидаги 1-диаграммага мурожаат қиласиз.

² Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, маълумотлари. 2023 йил.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси (трлн. сўм)³

1-диаграмма



1-диаграммада келтирилган статистик маълумотларга баҳо берадиган бўлсак, ўтган беш йил мобайнида асосий капиталга сарфланган инвестициялар динамикаси ўсиш хусусиятига эга бўлган. Бозор иқтисодиёти шароитида ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган давлат учун бу ўта зарур кўрсаткич ҳисобланади. Шунингдек, истиқболда ЯИМнинг ҳам изчил ўсишига яқиндан кўмак беради, албатта. 2019 молия йилида асосий капиталга 159,9 трлн. сўм инвестициялаган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 210,2 трлн. сўмга ўзгариб, ўтган йилга нисбатан 50,30 трлн. сўмга кўпайган ёки 31,0 фоизга ортган. Бу кўрсаткичдан 10 фоиз инфляция даражасини чегириб ташлаганда ҳам реал ўсиш 21,0 фоизни ташкил этмоқда. Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2020 йил бутун дунёда пандемия авж олган энг чўққи давр ҳисобланади. Аксарият хўжалик субъектлари вақтинча фаолиятини тўхтатган ва экспорт-импорт операциялари ҳам минималлашган даврга қарамасдан Ўзбекистонда ўсиш кўрсаткичнинг бўлиши яхши ҳодиса сифатида эътироф этиш жоиз.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2023 йил январь-декабрь. Тошкент - 2024 йил.

2019 йилни 2023 йилга нисбатан таҳлил қилганда натижа янада залворли аҳамият касб этади. Хусусан, юқорида қайд этилганидек, 2019 йилда асосий капиталга инвестициялар 159,9 трлн. сўмни ташкил этган бир шароитда 2023 молия йилида 352,1 трлн. сўмни ташкил этган. Ёки бу кўрсаткич ЯИМнинг қарийб 1/3 қисмидан ҳам ортиқ суммани ташкил этади. Йиллар мобайнида 120,0 фоизга ортганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳолат дунёда рақобат кучаяётган бир шароитида жуда жозибали кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Инвестицияларни динамик ўсишини Президентимиз ҳам алоҳида қайд этиб, қуйидаги фикрини зикр этган: «Сўнгти олти йилда саноатга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 7 баробар ошди»⁴.

Асосий капиталга инвестицияларни ўсиш динамикаси ҳақидаги маълумотга эга бўлдик. Эндиgi таҳлил обьекти қандай турдаги молиявий манбалар ҳисобига инвестициялар молиялаштирилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қиласиз. Чунки, муқаддам мустақилликнинг илк йилларида ва ундан олдинги давраларда асосий капиталга инвестициялашда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари бошқа марказлашган маблағларнинг роли жуда юқори бўлган. Бунга таъсир этган омиллар сероб, албатта. Аммо, асосийси бўлиб бозор иқтисодиёти тамойилларини том маънода ишламаслиги, шунингдек, хорижий мамлакат инвесторлари бизни эътироф этмаслиги бўлган. Мустақилликни қўлга киритиб мустақил молия сиёсатини олиб бораётганимизга ҳам уч декададан ортиқ вақт ўтди. Сўнгти йилларда асосий капитални молиялаштириш манбаларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши учун 1-расмда қайд этилган статистик маълумотларга мурожаат қиласиз.

Молиялаштириш манбалари бўича асосий капиталга инвестициялар⁵

⁴ <https://president.uz/uz/lists/...>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати 2023 йил январь-декабрь. Тошкент - 2024 йил.



Давлат статистика агентлиги нашр этган маълумотларга назар соладиган бўлсак, 2023 молия йилида асосий капиталга инвестициялар 9 та манба ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, жами 352,1 трлн. сўм ўзлаштирилган. Энг улкан молиявий манбага қараганда, энг кичик молиявий манба қарийб, 60 баробар паст даражада бўлган. Аслида бозор иқтисодиёти шароити ва тамойилига биноан шундай бўлиши табиий.

1- расм маълумотларига разм соладиган бўлсак, молиялаштириш манбалари ҳажм жиҳатидан кетма кетлиги айнан бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беради. Яъни биринчи учликни 251,6 трлн. сўм ёки жами молиявий манбаларнинг 71,0 фоизини Хўжалик субъектлари маблағлари, Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда Кафолатланмаган хорижий инвестициялар ва кредитларга тўғри келмоқда. Бу яхши кўрсаткич бўлиб, хўкуматнинг бошқа хорижий давлатлар ва инвесторлар олдида мажбурияти минималлашганидан далолат беради.

Кейинги манбалар ҳам бозор иқтисодиёти талабига жавоб беради. Хусусан, Аҳоли маблағлари 33,3 трлн. сўм ва Тижорат банкларнинг кредитлари 22,3 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Кейинги тўртта молиявий маблағларини қўшиб ҳисоблаганде ҳам биргина Корхоналар маблағига тўғри

келмайдиган манбалар, бевосита давлатга тааллуқли бўлиб, уларнинг ҳажми бошқа манбаларга қараганда анча пастлиги билан намоён бўлмоқда. Биргина Республика бюджетини оладиган бўлсак, у 20,4 трлн. сўмни ташкил этиб, жами молиявий манбаларнинг 6,0 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, Давлат мақсадли жамғармалари ичида стратегик аҳамият касб этадиган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 1,6 трлн. сўм билан молиялаштириш манбалари ичида охирги ўринда турибди.

Ташқаридан қараганда рақамлар ва молиялаштириш манбаларининг кетма-кетлиги қувонарли, албатта. Аммо тармоқлар ва худудлар кесимида инвестициялардан самарали фойдаланиш жамият аъзоларини тўлиқ қониктира олмаяпти. Буни яқинда бўлиб ўтган видео селекторда Президентимиз алоҳида қайд этдилар. Жумладан: «Лекин, комплекс, тармоқ ва ҳудуд раҳбарларида ҳар бир доллар инвестиция қанча иш ўрни яратгани, қўшилган қиймат ва экспорт қанчага ошгани борасида таҳлил етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Ўтган йили 5 та — балиқчилик, паррандачилик, заргарлик, асаларичилик, ипакчилик тармоқларида хорижий инвестицияни жалб қилиш ишлари энг суст даражада бўлган»⁶.

Кўриб турганимиздек, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммо бўлиб турган бир шароитда, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик тармоқларида инвестицияларнинг суст даражада бўлиши, кечириб бўлмайдиган ҳолат, албатта. Шунингдек, Ўзбекистон бир йилда 100,0 тонна олтин хом-ашёсини қазиб олаётган бир шароитда, унинг бор-йўғи 6,0 фоизи мамлакат ичида қайта ишланиб, юқори қийматга эга бўлган товарга айланаётгани ҳам ўта ачинарли ҳолатлардан бири ҳисобланади⁷.

Инвестициялардан айниқса хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси ҳам худудлар кесимида текис амалга ошириляти деб бўлмайди. Яна Президентимиз қайд этган таҳлилий маълумотларга мурожаат қилсак:

⁶ <https://president.uz/uz/lists/...>

⁷ <https://www.gazeta.uz/uz/> «Йилига 100 тонна олтин қазиб оляпмиз, лекин атиги 6 фоизи қайта ишланяпти» - Президент.

«Хорижий инвестициялар ҳажми 2023 йилда 1,6 баробар ўсган бўлсада, энг катта салоҳиятга эга Самарқанд ва Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич имкониятга яраша бўлмади. Шунингдек, 12 та туман ва шаҳарда ўзлаштирилган жами инвестициялар ўтган йилга нисбатан камайган»⁸.

Мамлакатнинг энг кўп туристлар келадиган иккита стратегик ҳудудига хорижий инвестицияларнинг паст даражада бўлиши ҳатти ҳаракатларни қайта кўриб чиқишига даъват этадиган ҳоллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ишчи ўринларини ташкил этишда ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиши лозим бўлган бу икки азим шаҳарда инвестиция фаолиятини жадал ривожлантириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас тадбири ҳисобланади. Шунингдек, 12 та туман ва шаҳарда инвестиция оқимининг ўтган йилга нисбатан пасайиб кетиши, туман бошқарув тизими ва инвестиция бошқармаларининг иш фаолияти салбий деб баҳолашга тўғри келади.

Кўриб турганимиздек, инвестициялардан самарали фойдаланиш республика бўйича ижобий дейиш мумкин, аммо айрим тармоқ ва ҳудудларда бу борада илмий ёндашилган ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Хулоса ўрнида қайд этадиган бўлсак, мамлакатимизда сўнгги 6-7 йил мобайнида яратилган қулай инвестиция муҳити ҳисобига инвестицияларни жалб этиш ва уларни тармоқ ва соҳаларда жойлаштиришда муайян ютуқларга эришилди ва ижобий кўрсаткичлар изчил давом этмоқда. Пировардида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиши билан бирга, камбағаллик даражаси ҳам кескин камаймоқда. Бу ютуқларнинг пойдевори Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ва одилона инвестиция сиёсати натижасидир. Бироқ, биздаги мавжуд илмий салоҳият ва қулай табиий шароит инвестициялардан янада самарали фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун яқин истиқболда куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан:

⁸ <https://president.uz/uz/lists/...>

биринчидан, олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ва инвестиция соҳасида фаолият юритаётган тадқиқотчилар, мамлакатимиздаги ҳар бир тармоқ бўйича алоҳида, ҳар бир худуд бўйича, алоҳида ҳар ўн миллион сўм ички ва ҳар минг доллар жалб этилган ташки инвестиция ҳисобига алоҳида тармоқларда нечта ва ҳудудларда нечта иш ўрни яратиш имконияти мавжудлигини аниқловчи механизм ишлаб чиқиш зарур;

иккинчидан, давлат бюджетидан имкон қадар факат ижтимоий, сиёсий, экологик ва худудий дахлсизликка зарур бўлган ижтимоий инвестицияларни йўналтириб, иқтисодий тармоқ ва соҳаларга инвестицияларни йўналтиришни минималлаштириш лозим. Иқтисодий тармоқ ва соҳаларга инвестицияларни йўналтиришни хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторларга юклаш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

учинчидан, туман ва шаҳар ҳудудларида ўтган йилга нисбатан инвестиция оқимининг пасайишга таъсир этган объектив ва субъектив омиллар танқидий таҳлил этилиб, объектив омилларни юмшатиш, субъектив омилларни эса тезда бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Аминмизки, юқорида қайд этилган таклифлар миллий иқтисодиётга татбиқ этиладиган бўлса, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда хизмат қилаётган инвестициялар том маънода жамият фаровонлигини таъминловчи ва мамлакатни дунё миқёсида юқори ўрнини топишга хизмат қилувчи ўсиб борувчи молиявий барқарорликка эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти Фармони. 2022 йил 28 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2023 йил январь-декабрь. Тошкент - 2024 йил.
3. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, маълумотлари. 2023 йил.
4. <https://president.uz/uz/lists/view/6975> Инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги вазифалар белгиланди
5. <https://www.gazeta.uz/uz/> «Йилига 100.0 тонна олтин қазиб оляпмиз, лекин атиги 6,0 фоизи қайта ишланяпти» - Президент.